

Мўғул татар қиссаси

17- қисм

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

АБУ АБДУЛЛОҲ аш-ШОШИЙ

Нашрга тайёрловчи: *Шамсиддин Дарғомий*

2012 - 1433

IslamHouse.com

﴿ قصة التتار - المغول ﴾

الحلقة السابعة عشر

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2012 - 1433

IslamHouse.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Мўғул-татар қиссаси

Барча мақтовлар Оллоҳга хосдир. Унга ҳамду сано ва истиғфорлар айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз, нафсларимиз ҳамда ёмон амалларимиздан паноҳ тилаймиз. Оллоҳ хидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани хидоят қилувчи йўқдир. Мен шериксиз, ягона Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман.

Ўтган суҳбатимизда:

- Хулағунинг амирларга муомаласи;
- Ҳамаҳ шаҳрининг таслими;
- Мўғулларнинг Дамашқ сари отланиши;
- Дамашқнинг таслими;
- Мўғул хоқони Мангухоннинг ўлими;
- Мўғуллар Дамашқда;
- Дамашқда насронийлар ҳукмронлиги;

- Фаластин ишғоли;
- Миср мўғуллар қаршисида;
- Мисрдаги ҳолат;
- Айюбийлар давлатига чизгилар каби мавзуларни зикр қилган эдик.

Солиҳ Нажмуддин Айюб волийлиги

Айюбий султонлари ўртасида 60 сана давом этган ички низо ва жадалларга батафсил тўхташимиз узоқ вақт талаб қилади, шу боис дастлабки 50 санада бўлган воқеаларни енгил зикр қилиб, охириги 10 йилга эътибор қаратамиз. 637 ҳ.с. / 1240 м.с. Мисрда Айюбийлар тахтига Нажмуддин Айюб ўтирди¹. Унинг лақаби Подшо Солиҳ бўлиб, Салоҳуддин Айюбий – раҳимахуллоҳ–дан кейин Айюбий султонларининг энг афзали эди. Лекин минг афсус, нафақат аксарият мусулмонлар, ҳатто Солиҳ Нажмуддин Айюб – раҳимахуллоҳ– билан замондош бўлган мисрликлар ҳам у кишининг ҳаёт тафсилотидан жуда оз маълумотга эга бўлганлар. Бу инсон ўзидан олдин ўтган, у билан замондош ва ундан кейинги Айюбий амирларидан бутунлай ажралиб турадиган солиҳ киши бўлиб, мартабаси Салоҳуддин Айюбий –раҳимахуллоҳ–дан кейинги ўринда эди. У 637 ҳ.с. / 1240 м.с. Мисрда ҳоким бўлди, яъни Ислом олами ва Европани қон қақшатган

¹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Нихоя" (17/247 - 248).

мўғул хоқони Ўқтой даврида Миср ҳокимияти тепасига келган эди.

Шом ва Миср ўртасидаги уруш

Шомдаги Айюбий амирлар Мисрга уруш очишга ҳозирлик кўрди. Улар ўртасида уруш ва босқинлар юз берди, бу келишмовчиликлар Шомдаги Айюбийларнинг жамланиши ва насронийлар билан тил бириктиришигача етиб борди. Бу воқеалар 641 ҳ.с. / 1244 м.с., яъни подшо Солиҳ Миср тахтига ўтирганидан 4 йилдан кейин юз берган эди. Айюбийлар ва насронийлардан иборат катта қўшин Мисрга хужум уюштиришга ҳозирланганидан хабар топган Солиҳ Айюб, бирлашган қувватни қарши олиш учун қўшин тўплашга киришди. Қўшиннинг бошига етук саркарда Рукнуддин Бейбарс – раҳимахуллоҳ–ни тайин этди. Бироқ Миср лашкари бирлашган Шом ва салиб лашкарига нисбатан оз ва кучсиз эди. Подшо Солиҳ Хоразмшоҳлар армияси, яъни бир вақтлар Муҳаммад ибн Хоразмшоҳ ва Жалолуддин билан жанг қилган Хоразм қўшинларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Улар ўша вақтлар мўғуллар хонавайрон қилган Хоразм ерларига ўрнашган ёнланма жангарилар бўлиб, ким кўпроқ ҳақ тўласа, ўшанга хизмат қиларди. Яъни аскарый хизматларини пул

эвазига бажарардилар. Подшо Солиҳ Айюб ҳақ бериш бадалига улардан ёрдам сўради².

642 ҳ.с. / 1245 м.с. ҳозирги Фаластиннинг Ғазо шаҳри яқинида подшо Солиҳ Айюбнинг Хоразм армиясидан ташкил топган кўшини билан Айюбийлар: Дамашқ амири Солиҳ Исмоил, Карак амири Носир Довуд ҳамда Ҳимс амири Мансур ва салибийлардан иборат бирлашган қувват ўртасида катта жанг содир бўлди. Бу жанг "Ғазо жанги" номи билан танилди. Бу маъракада подшо Солиҳ Айюб улуғ ғалабага эришди³. Салибчиларнинг катта қисми -3 мингдан зиёдроғи- қатл қилинди. Салибчи ва Айюбий амирларидан катта жамоат асир олинди⁴.

Солиҳ Айюб фурсатдан фойдаланиб, салибийлар кўрғонлари ва Байтул Мақдисга бостириб кирди ҳамда муборак Қуддус шаҳри ва Байтул Мақдисни озод қилди. Бу ҳодиса 643 ҳ.с. / 1245 м.с. содир бўлган эди. Бундан сўнг насроний кўшинлари тўлиқ етти аср давомида Қуддус шаҳрига қиролмади. Фақатгина Мустафо Камол Отатуркнинг хиёнатидан кейингина, 1917 м.с. 16 ноябр

² Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/267).

³ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/273 - 274).

⁴ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/274).

куни биринчи жаҳон урушида Британия кўшини бу муқаддас ерларга киришга мувоффақ бўлди⁵.

Оллоҳ таолодан Байтул Мақдиси ўз эгаларига қайтаришини ўтинамиз.

Бундан сўнг Солиҳ Айюб шимолга юришни давом эттириб, Дамашққа кирди ва Миср билан Шомни янгидан бирлаштирди⁶. Сўнгра салибчиларнинг қўлида бўлган баъзи ислом шаҳарларини озод қилишга киришди. 645 ҳ.с. 10 сафар / 1247 м.с. 23 июн куни Тобарияни⁷, шу йилнинг жумодул охира ойининг охирлари, яъни ноябр ойида Асқалонни⁸ ва бошқа шаҳарларни озод қилди⁹.

Хоразм кўшинининг ажралиши

Подшо Солиҳ Айюб кўшинида катта йўқотиш содир бўлди, бу ҳодиса ёнланган Хоразм армияси Солиҳ Айюбнинг кўшинидан ажралиб кетиши эди. Шом амирларидан бири уларга кўпроқ ҳақ тўлаши эвазига Солиҳ Айюб кўшинини тарк қилишган эди. Улар

⁵ Сиржоний "Қиссатуг-татар" (212 - бет).

⁶ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/278).

⁷ рус. Твѣрія.

⁸ рус. Ашкелон.

⁹ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/292), Мақризий "ас-Сулуқ" (1/431 - бет).

ажралишга чекланмасдан, ҳатто Солиҳ Айюбга қарши жанг ҳам қилди. Бу маъракада Солиҳ Айюб қўшинидан саркарда Рукнуддин Бейбарс –раҳимахуллоҳ– бошлик асосий қўшингина собитқадам турди¹⁰.

Бу ҳодиса сабабли подшо Солиҳ Нажмуддин Айюб –раҳимахуллоҳ– эришган кўп нарсани йўқотди. Бу жангдан сўнг, у киши мол-дунё учун эмас, ҳақиқий фидокор мужоҳидларга муҳтожлигини ҳис қилди. У Хоразм армиясининг ўрнига янги гуруҳга суяна бошлади, бу тоифа лашкар ўзларининг Мамлуклар номи билан тарих саҳнасидан катта жой эгаллади.

Мамлуклар қиссаси

Мамлуклар арабча "Мамолийк" калимасидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси: қуллар ёки бандалар деганидир. Бироқ "Мамолийк" сўзи ислом тарихида истилоҳий маъно касб этиб, "Мамолийк" деганда шунчаки қуллар эмас, балки муайян аср (замон)даги қуллар жамоаси кўзда тутилади. Мамлуклар қиссасини ўрганишга киришсак, бироз орқага, яъни 198 - 218 ҳ.с.лар Аббосийларнинг машҳур халифаси Маъмун ва ундан сўнг 218 - 227 ҳ.с.лар халифа бўлган унинг укаси Муътасим замонларига қайтишимиз лозим бўлади.

¹⁰ Сиржоний "Қиссатут-татар" (212 - бет).

Бу икки халифа замонида жуда кўп куллар келтириб, кул бозорида сотилган ва улар сотиб олиниб, ҳарбий аскар сифатида ишлатилган. Мамлуклар вақт ўтиши билан бош армия вазифасини ўтайдиган гуруҳга айланди. Баъзан бир неча ислом ўлкалари ичида ягона мунтазам армия вазифасини ўтар эди. Айюбий давлати амирлари мамлакатда ҳукмронлигини мустаҳкамлашда уларга суянган эдилар. Илк бор турклардан иборат кулларни аскар қилиб, катта армия барпо қилган шахс бу халифа Муътасим (218 - 227 х.с / 833 - 842 м.с) эди¹¹. Ўшанда унинг армиясидаги мамлуклар сони бир неча ўн мингга етган эди¹². Айюбий давлатининг турли босқичларида мамлуклардан фойдаланилган бўлсада, улар муайян доирага чекланган эдилар. Подшо Солих Нажмуддин Айюб –раҳимахуллоҳ– Айюбийлар бошига келиб, унинг қўшинида Хоразм армиясининг ажралиб кетиши фитнаси рўй берганда у киши мамлуклардан кенгроқ суратда фойдаланишга мажбур бўлди. Шу тариқа Нажмуддин Айюб армиясини мамлуклар ҳисобига кучайтирди ва уларга суянди. Мамлуклар сони янада ортди.

Мамлукларнинг асосини урушда асир олинганлар ва кул бозоридан сотиб олинганлар ташкил қиларди. Мусулмонлар мамлукларни Мавроуннаҳр ўлкалари,

¹¹ Муҳаммад Аҳмад ан-Назр "Тарих байтул Макдис фи асрил мамлукий" (47 - бет).

¹² Саллабий "ал-Мўғул" (257 - бет).

яъни Туркманистон ва Афғонистоннинг шимолидан оқиб ўтиб, уларни Ўзбекистон ва Тожикистондан ажратиб турувчи Жайхун дарёси атрофидаги минтақаларда кенг тарқалган кул бозорларидан сотиб олишар эди. Бу минтақаларда урушлар мунтазам давом этгани сабаб, асирлар кўп бўлганидан ҳар доим кул бозорлари кулларга сероб бўларди. Бу ўлкаларда асосан туркий миллатлар истиқомат қилгани учун мамлукларнинг аксариятини туркий миллатлар ташкил қиларди¹³. Ўша вақтлар куллар энг кўп бўлган жойлар: Қирим, Кўқоз, Қипчоқ ва Мавроуннахр: Самарқанд, Фарғона ва Хоразм шаҳарлари эди. Шу билан бирга бу ерларга 100 йиллар мобайнида асли армани, мўғул ва оврупалик бўлган куллар ҳам олиб келинардиларди¹⁴.

Мамлуклар мавқеининг ортиши

Мамлукларнинг аскарый ва диний иқтидори ортиб ўзлари каби оддий мамлукларга сардор бўлишдан ташқари, поғонама-поғона мансаблари ҳам юксалиб борди. Уларнинг иқтидорлари ошган сари янада эътиборга кириб борарди. Уларга давлат ичида катта ерлар берилибгина қолмай, хатто амир даражасига кўтарилди, яъни армияда катта зобит, генерал

¹³ Аҳмад ан-Назр "Тарих байтул Макдис" (47 - бет).

¹⁴ Саллабий "ал-Мўғул" (257 - бет).

мақомигача чиқдилар. Бу эса мамлукларнинг амалдорликка рағбатини оширди.

Мамлукларнинг саййидларига нисбатланиши

Одатда мамлуклар уларни сотиб олган саййидларга нисбатланишар эди. Подшо Солиҳ сотиб олган мамлуклар "Мамаликус-Солиҳия", подшо Комил сотиб олганлари "Мамаликул-Комилия" ва ҳоказо... деб аталарди¹⁵.

Солиҳ Айюб сотиб олган "Мамаликус-Солиҳия" ларнинг сони жуда ортиб кетди. У Айюбийлар орасида мамлукларни энг кўп сотиб олган ва унинг армиясининг асосий қисмини мамлуклар ташкил қилган эди ва бу мамлукларнинг аксарияти курд миллатига хос куллар эди¹⁶. У киши –раҳимахуллоҳ– Нил дарёси соҳилига ўзига қаср қуриб, унинг ёнверидан 637 - 638 ҳ.с. / 1239 - 1240 м.с.да мамлуклар учун қалъа бунёд қилди ва ўзи улар билан бирга яшади. Унинг қасри ва бу қалъа

¹⁵ Саллабий "Тарихул мўғул ва турк" (69 - бет) китобидан нақл қилган, "ал-Мўғул" (260 - бет).

¹⁶ Саллабий "Малик ас-Солиҳ Айюб" (110 - бет) китобидан нақл қилган, "ал-Мўғул" (261 - бет).

ҳозирги кунда Қоҳирадаги Равзо минтақасида (оролида) жойлашган¹⁷.

Ўтмишда Нил дарёси денгиз дейиларди, Солихий мамлуклар шу денгиз атрофида истиқомат қилганлари ҳамда уларнинг ичида Қора денгизнинг шимоли Қипчок ўлкаларидан, Қозвин денгизига яқин Қўқоз ўлкаларидан олиб келинган куллар кўп бўлгани учун "Мамаликул-Баҳрия", яъни денгизлик мамлуклар номи билан танилди¹⁸. Шу тариқа подшо Солиҳ Айюб султонлигини мамлуклар ёрдамида мустақкамлади. Унинг давлатида мамлуклар энг юқори мансабларга кўтарилди. Армиянинг қўмондонлари мамлуклардан эди. Подшо Солиҳ Айюб даврида армияга кўзга кўринган мамлуклардан Фарисуддин Ўктой қўмондон эди, у Рукнуддин Бейбарсдан бевосита кейинги мақомда турарди.

Нажмуддин Айюбнинг мамлуклар билан алоқаси

Солиҳ Айюб –раҳимахуллоҳ– мамлукларни гўдаклик босқичидан етуклик давригача тарбия қилди. Мамлуклар давлати султонлари шу тарбия асосида

¹⁷ Саллабий "Малик ас-Солиҳ Айюб" (114 - бет) китобидан нақл қилган, "ал-Мўғул" (262 - бет).

¹⁸ Саллабий "Фит тарихил Айюбий вал мамлукий" (86 - бет) китобидан нақл қилган, "ал-Мўғул" (263 - бет).

улғайдилар. Мамлукларнинг аксарияти мусулмон бўлмаган давлатлардан ёки мусулмон бўлса ҳам араб тилини билмайдиган куллардан иборат эди. Улар Мисрга келтирилиб, ўша ерда тарбия қилина бошлади. Бу подшо Солиҳ Айюб ва мамлуклардан бўлган унинг издошлари амирлар ҳаётидаги муҳим нуқтадир. Уларга ҳеч қачон куллардек муомала қилинмади, балки улар Солиҳ Айюбнинг фарзандлари даражасига етган эди. Уларнинг ўзаро муносабатлари ҳожа билан кул ёки подшо билан хизматкор каби бўлмай, устоз-шогирд, ота-бола ёки оила боши билан оиланинг қолган аъзолари алоқасидек бўлган эди. Бу алоқа қаҳр ёки моддият эмас, муҳаббат асосига таянганидан, ҳатто мамлуклар хўжайинларини "устоз" лақаби билан чақирар эдилар.

Бу давр алоҳида эътибор беришимизга лоик, чунки бу босқич Мисрдаги ҳолат тубдан ўзгариши унга бориб тақалган нуқтадир. Мўғуллар қаршисида мардонавор тура олганлар ҳам айнан шу авлоддир. Мамлуклар даврини озроқ мулоҳаза қилган инсон уларнинг тарбияси бир неча босқичларда намунали суратда олиб борилганига гувоҳ бўлади:

Биринчи босқич: Болаликдан вояга етгунча бўлган давр. Арабизабон бўлмаган Мамлуклар ҳаётининг илк босқичи араб тили таълими бўлди, сўнгра куръони карим ўргатилди. Ундан кейин бошланғич исломий фикҳ ва шариат одоблари ҳамма мамлукларга барорбар

берилди¹⁹. Бу таълим ёш мамлукларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Улар ислом динини бағоят улуғлаган ҳолатда вояга етдилар. Илм ва уламолар қадри мамлукларнинг ҳаёт босқичларида юксак ўринларни эгаллади. Бу эса, мамлуклар замонида юзага келган илмнинг юксаклигини изоҳлайди. Мамлуклар давлати даврида талайгина таниқли олимлар мавжуд эди. Жумладан: Изз ибн Абдуссалом, Нававий, Ибн Таймия, Ибн Қоййим Жавзийя, Ибн Ҳажар Асқалоний, Ибн Касир, Мақризий, Ибн Жамоа, Ибн Қудома Макдисий раҳимаҳумуллоҳ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иккинчи босқич: Ёш мамлуклар балоғат ёшига етганларида чавондозлик, мерганлик, қиличбозлик каби ҳарбий билимларни таълим олишди. Уларнинг жанг маҳорати ва жисмоний қувватлари жуда юқори даражага етди. Шу тариқа улар машаққат ва қийинчиликларга бардошли бўлиб шаклландилар²⁰.

Учинчи босқич: Олий ҳарбий босқич. Улар бошқарма ишларига жалб қилинди. Уларга ҳарбий режалар тузиш, аскарий муаммоларни ечиш ва қалтис ишларда тасарруф қилиш таълими берилди. Ва жанг майдонларига тушириб, уруштирилдилар. Ҳатто улар

¹⁹ Саллабий "ал-ҳамалат ас-салибийя" (338 - бет).

²⁰ Саллабий "ал-Мўғул" (267 - бет).

жанг машаққатлари ва ўлим билан юзма-юз бўлишни ўргандилар²¹. Шундай қилиб, Мамлуклар олий мақсадли, хамиятли ва исломий ғайратга кўшимча аскарый ва идорий масалаларда етук инсонларга айланди.

Бу тарбия босқичларининг барчасида уларни сотиб олган саййидлари султон Солиҳ Нажмуддин Айюб – раҳимахуллоҳ– қаттиқ диққат билан назорат қиларди. Баъзан уларнинг озиқ-овқатлари ва роҳатларидан кўнгли хотиржам бўлиши учун улар билан бирга овқатланар ва улар билан бирга ўтирар эди. Бутун бошли Миср ҳокими ўз мамлуклари-қуллари муҳаббатини ушбу хислати билан қозонган эди.

Еттинчи салиб юриши

647 ҳ.с. / 1249 м.с. подшо Солиҳ Айюб – раҳимахуллоҳ– сил касали билан касалланди ва тўшакка миҳланиб қолди²². Бу паллада Франция кироли Людовик IX мўғуллар ислом оламининг шарқиға хужум қилаётганидан фойдаланиб, Миср ва Шом ерларига бостириб киришни режа қилади. Бу ҳақда ўтган дарсларимизда сўзлаб ўтгандик. Мўғул ҳокони Гуюкхондан мадад сўраб делегация жўнатган, делегация

²¹ Саллабий "ал-Мўғул" (268 - бет).

²² Макризий "ас-Сулуқ" (1/443 - бет).

икки кўли бўш ҳолда қайтсада Людовик IX ҳамла қилиш ниятидан қайтмади.

Думёт ишғоли

Людовик IX 647 х.с. 21 сафар / 1249 м.с. 12 июн шанба куни Думёт соҳилига келиб тушди. Мусулмон кўшин билан салибчилар ўртасида шиддатли жанг кетди. Бу жангда салибийларнинг кўли баланд келди ва мусулмонлардан кўп шаҳид берилди. Кечқурун бўлганда мусулмон амир Фахруддин Юсуф аскарлари билан Думётни тарк қилиб, Ашмум Таноҳ қишлоғига йўл олди. Буни кўрган думётликларнинг барчаси уларга эргашдилар, шаҳарда бирор жонзот қолмади. У султон Солиҳ Айюбни касалдан ўлган деб гумон қилган эди²³.

Людовик IX армияси билан 22 сафар, яъни 13 июн якшанба куни Думёт шаҳрига келди, не кўз билан кўрсинки шаҳарда тирик жонзот йўқ! Дастлаб, бу хийла, пистирма бўлса керак деб ўйлади. Бироқ вақт ўтиши билан ундай эмаслигини кўрди. У бу шаҳарни ҳеч бир қаршилиқ ва қуршовсиз эгаллади, ундаги қурол-аслаҳалар, озиқ-овқатларни ўзлаштирди²⁴. Ўша ердан Миср ва Шомга хужум қилишга бел боғлади. Бу уруш

²³ Макризий "ас-Сулук" (1/438 - бет).

²⁴ Макризий "ас-Сулук" (1/438, 439 - бет).

тарих саҳифаларига "Еттинчи салиб юриши" номи билан битилди.

Ал-Мансура жанги

Подшо Солиҳ –раҳимахуллоҳ– салибчилар Думётни эгаллаганидан хабар топди, оқибатта унинг паришонлиги ортди ва касаллиги оғирлашди. Салибчилар Мисрни тўлиқ ишғол қилиш мақсадида Нил дарёсидан ўтиб, унинг пойтахти Қоҳирага юриш қилади, деб тахмин қилди ва Думёт билан Қоҳира ўртасида уларни қарши олишга қарор қилди. Думётдан Қоҳирага қараб келиш мумкин бўлган Нил дарёси йўналишига назар солди ва салибчилар аниқ Мансура шаҳри орқали келади, деб мўлжал қилди. Шу сабаб, қўшинини Мансура шаҳрида тўплашга қарор қилиб, ўзи ҳам оғир касал бўлишига қарамай йўлга отланди. У ерда мисрлик аскарлар ва мамлуклардан иборат ислом лашкари Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарс бошчилигида салибчиларга қарши тайёргарлик кўра бошлади. Нажмуддин Айюб гумон қилганидек, насронийлар 647 ҳ.с. 12 шаъбон / 1249 м.с. 27 ноябр куни Нил дарёсидан ўтиб, жанубга Қоҳирага йўл олишди.

Салибчилар Мансурага етиб келишларидан олдин, 647 ҳ.с. 14 шаъбон / 1249 м.с. 29 ноябр душанба кечаси подшо Солиҳ Нажмуддин Айюб –раҳимахуллоҳ–

Мансура шаҳрида 44 ёшида оламдан ўтди²⁵. Унгача кўшин билан шаҳар кўрғонларини мустаҳкамлаб улгурган эди. Оллоҳ аzza ва жалла у кишини ўз мағфирати ва раҳматига мушарраф айлаб, шаҳидлар мартабасига етказсин!

Подшо Солиҳ 50 кун кам 10 йил Мисрга волийлик қилган эди²⁶.

Бу ходиса мусулмонларга улкан мусибат бўлган эди. Мусулмонларга бошлиқлари Солиҳ Айюбдан айрилиш бир мусибат бўлса, унинг ўринбосари йўқлиги иккинчи бир мусибат бўлган эди. Мамлакат қаттиқ изтироб ҳолатида қолди, бир томондан Думёт порти эгалланган, иккинчи томондан салибчилар йўлда давом этмоқда...

Султон Нажмуддин Айюбнинг хотини Шажаратуд-Дур²⁷ ўта ҳикматли ва оқилона иш тутди. Бу аёл асли турк миллатига мансуб бўлган, баъзи манбаларда айтилишича арман бўлган²⁸. Уни Султон Нажмуддин Айюб сотиб олган ва озод қилиб, сўнгра уни никоҳига

²⁵ Макризий "ас-Сулук" (1/441 - бет), Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/304).

²⁶ Макризий "ас-Сулук" (1/441 - бет).

²⁷ Турк. Şacar al-Durg. Дурли дарахт маъносини билдиради.

²⁸ Макризий "ас-Сулук" (1/459 - бет).

олган эди. У доимо султон билан бирга бўларди, ҳатто сафарларда ҳам ундан ажралмасди²⁹.

Шажаратуд-Дур подшо Солиҳ вафот этганида, унинг ўлими хабарини яшириб, унинг қўл остидаги лашкарига қарата: "Табиблар уни зиёрат қилишни тақиқлади"³⁰, деди ва зудлик билан Солиҳ Айюбнинг ўғли Туроншоҳга вазиятни англатувчи мактуб йўллади. Туроншоҳ ўша кунларда Ҳасанкейф³¹ шаҳрида ҳоким эди. Бу шаҳар ҳозирги кунда Туркияга қарашли жой ҳисобланади. Мактубда отасининг вафот этгани ҳамда тезда келиб, Миср ва Шом ҳукмронлигини қўлга олиши баён қилинган эди.

Сўнгра Шажаратуд-Дур Солиҳ Айюбнинг катта вазирларини ҳузурига чорлаб, Туроншоҳ келгунига қадар мамлакатни Фаҳруддин Юсуф бошқариб туриши ҳамда Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарсларга Мансурадаги жангга ҳозирликни давом эттиришлари ваколатини топширди. Шу тариқа улар подшо Солиҳнинг вафоти сабаб тушган изтироб исқанжасига асир бўлмадилар. Ишлар ўз ўрнида ва жой-жойида давом этди. Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарслар насроний Француз лашкарини қарши олиш учун ғоят мукаммал режа тузишди ва уни Шажаратуд-

²⁹ Макризий "ас-Сулуқ" (1/459 - бет).

³⁰ Макризий "ас-Сулуқ" (1/445 - бет).

³¹ Турк. Hasankeyf.

Дурга кўрсатишди. Унга бу режа маъкул бўлди, шундан сўнг улар бу режани амалга оширишга киришди. Ўша вақтлар Шажаратуд-Дур солиҳ Айюбнинг ўғли Туроншоҳ келгунига қадар гўё давлат бошлиғи манзилатида эди. 647 ҳ.с. 4 зул-қаъда / 1250 м.с. 15 феврал куни катта "Мансура жанги"³² содир бўлди. Бу ўта муҳим тарихий сана бўлиб, унда мусулмонлар салибчилар устидан улкан ғалабага эришдилар. Сўнгра қирол Людовик IX Мансура шахридан ташқарида 647 ҳ.с. 7 Зул-қаъда / 1250 м.с. 18 феврал куни янги ҳужумга ўтди³³. Унинг бу ҳужуми қаттиқ кураш билан бартараф қилинди.

Фарискур жанги

Туроншоҳ ибн Солиҳ Айюб салибчиларнинг охириги ҳужумидан 10 кундан сўнг, яъни 647 ҳ.с. 17 зулқаъда куни, яъни 1250 м.с. 21 феврал Мансурага етиб келди³⁴. У келиб отаси Солиҳ Нажмуддин Айюбнинг вафотини ҳамда Миср ва Шом ҳокимиятини кўлга олганини расман эълон қилди. Сўнгра Туроншоҳ салибчиларга қарши янги ҳужум режасига киришди. Мансура жангидан сўнг салибчилар анчагина заифлашган ва Думётга қайтган эди. Зудликла мусулмон

³² Мисрдаги Мансура шахрига нисбатланган.

³³ Сиржоний "Қиссатут-татар" (220 - бет).

³⁴ Саллабий "ал-Мўғул" (277 - бет).

лашқари уларнинг ортидан йўлга чиқди ва янги жанг тадоригини кўра бошлади.

Мисрнинг мусулмон лашқари салиб лашқари билан Думётнинг яқинида Фарискур шаҳрида юзма-юз келди. Бу тўқнашув 648 ҳ.с. 3 муҳаррам / 1250 м.с. 14 апрел пайшанба куни³⁵, яъни катта "Мансура жанги"дан икки ой ўтар-ўтмас содир бўлган ва бу жангга янги подшо Туроншоҳ ибн Нажмуддин Айюб раҳбарлик қилган эди. У Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарсларнинг ҳарбий амалиётларини назорат қилиб борди.

"Фарискур жанги" ислом оламидаги жанглarning энг муҳимларидан ҳисобланади. Фарискур жангида³⁶ Франция қироли Людовик IX асирга тушди, унинг насроний лашқари ўлим билан асирлик орасида қолди. Бу жангда салибчилардан 30 мингги ўлдирилиб, 10 мингларча рицарлари асир олинди³⁷.

Людовик IX Мансура шаҳрига занжирбанд ҳолатда олиб келинди ва Фахруддин Иброҳим ибн Луқмоннинг ҳовлисида ҳибсда сақланди³⁸. Унга асирликдан ўз

³⁵ Ибн Касир "ал-Бидаяту ван-Ниҳоя" (17/307), Саллабий "ал-Мўғул" (277 - бет).

³⁶ Мисрдаги Фарискур шаҳрига нисбатланган.

³⁷ Мақризий "ас-Сулук" (1/455 - бет), Саллабий "ал-Мўғул" (278 - бет).

³⁸ Мақризий "ас-Сулук" (1/455 - бет), Саллабий "ал-Мўғул" (278 - бет).

жонини кутқариши муқобилида катта баҳо қўйилди. Унинг жон гарови 800 минг тилла динор деб белгиланди. У бу миқдорнинг ярмини озод қилинган заҳоти, қолган ярмини кейин бериши керак эди³⁹. Туроншоҳ салибий асирларни фидянинг қолган қисмини ундириш, мусулмон асирларни озод қилиш, Думётни мусулмонларга таслим қилиш ва 10 йил муддатга тинчлик ўрнатилиши бадалига тирик қолдирди⁴⁰. Ҳақиқатан, бу жанг барча миқёсда улкан ютуқ бўлган эди. Насронийлар Франция ва бошқа насроний ўлкалардан фидянинг ярмини базўр тўплаб, подшолари Людовик IX ни озод қилди ва уни Аккога олиб кетишди. Акко ўша вақтлар салиб амирлиги қўл остида эди. Ҳозирги кунда у яҳудларнинг ҳукмидадир....

Туроншоҳнинг ҳокимлиги ва ўлими қиссаси

Мусулмонлар салибчилар устидан ғалаба қозонди. Бу ютуқларга бадхулқ ва ношуд Туроншоҳ муносиб эмасди. Бундан ташқари у сиёсатдан ҳам узоқ эди. Франция қироли Людовик IX ни енгандан кейин, атрофидаги ғаниматларни кўриб ғурурланиб кетди ва отасининг хотини Шажаратуд-Дурга таъна тошларини ёғдириб, уни отасининг мулкани яширишда айблай бошлади. Ундан ўша мулкни талаб қилибгина қолмай,

³⁹ Сиржоний "Қиссатут-татар" (221 - бет).

⁴⁰ Саллабий "Тарихул айюбийийн" (389 - бет) китобидан нақл қилади, "ал-Мўғул" (279 - бет).

қаттиқ таҳдид ҳам қилди. Эрининг ўлиmidан сўнг, унинг мулкини ўғли Туроншоҳга кўшқўллаб топширган, қаттиқ изтиробли кунда Солиҳ Айюбнинг ўлимини халойикдан яшириб, уни чақиртиргани унутилди. Туроншоҳ бирор машаққатсиз Миср волийсига айланиб, энди у буларнинг барчасини унутди ёки эслашни ҳоҳламади. Воқеалар ўз-ўзидан шундай бўлиши керак, мен бунга ўзимнинг уddaбурунлигим сабаб эришдим, деб ўйлаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бунинг устига у Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарслар бошлиқ мамлуқлар амирларининг катталарига таъна қилди. Уларнинг Мансура ва Фарискурдаги катта ютуқларини инобатга олмади ҳам. Балки уларнинг қилган меҳнатларини арзимас деб баҳолади. Шу тарзда Туроншоҳ уларнинг масъулият ва вазифаларини қисқартирди. Бошқа жиҳатдан эса, у ўзи билан Ҳасанкейфдан келган кишиларнинг мартабаларини кўтаришга киришди. Унинг Миср мамлакати ва армиясига катта ўзгариш киритишга бел боғлагани ҳаммага аён бўлиб қолди. Булар "Фарискур жанги"дан кейинги уч ой давомида содир бўлган ҳодисалар эди.

Шажаратуд-Дур ўзидан кўрқиб мамлуқларга, хоссатан Фарисуддин Ўқтой ва Рукнуддин Бейбарсларга махфий тарзда Туроншоҳдан кутиш мумкин бўлган нобопликларни баён қилди. Мамлуқлар Шажаратуд-Дурни хурмат-иҳтиром қилишарди, чунки у устозлари Солиҳ Айюб –раҳимахуллоҳ–нинг завжаси эди. Устоз-

шогирт алоқаси баъзан, ота-бола алоқасидан кучлироқ ва мустаҳкамроқ бўлади. Солиҳ Айюб –раҳимахуллоҳ– билан уларнинг алоқаси айнан шу мақомга етган эди. Устоз ўлимидан кейин ҳам бу алоқа ўз таъсир доирасида қолган эди. Шажаратуд-Дур хаёлига келган Туроншоҳ ҳақидаги ўйларини уларга сўзлаганида, уларда ҳам Туроншоҳдан ёмонлик содир бўлмасидан Туроншоҳни Миср ҳокимлигидан четлатиш фикри уйғонган эди. Шу тарзда уни мулкидангина эмас, балки руҳини жасдидан четлатиш режасини тузишди.

Мамлуклар назарида қон тўкиш анча енгил масала бўлиб, шубҳа ҳам қатл қилишга кифоя қиларди. Бир кишининг хиёнат қилганида шубҳа қилсалар, биргина шунинг ўзи қатл қилишга сабаб бўла оларди. Қон масаласидаги бу енгил қараш, мамлуклар ҳаётининг тақрибан барча босқичларида шундай бўлган эди. Мамлуклар тарихида уларнинг кўплаб амирлари ва катталари хиёнат қилишда гумонланиб қатл қилингандир. Бу эса, улар ўта жиддий ва қаттиққўллик билан аскарый тарбия олганининг натижаси эди. Улар қаҳри қаттиқ, қаттиққўл ва ҳикматсизликка йўл қўйган, ҳамма ишларни гўдаклик ёшидан қўлларида кўтариб ўрганган қилич билан ҳал қилишни яхши кўрардилар. Қизиғи шундаки, булар мамлукларнинг диний ва фикҳий тарбияда улғайганларининг аҳволи! Улар хиёнатда ёки жамоатдан ажралишда гумон қилган одамни ўлдирибгина қолмай, гоҳида қотил халқ орасида

сотқинни ўлдиргани билан фахрланарди ҳам. Ҳатто инсонни ўлдириб, унинг тахтига ўтирар экан виждони сал бўлсада қийналмасди ҳам. Бу тўкилган қон Оллоҳ таоло наздида ва инсонлар олдида бирор қийматга эга эмасдай гўё! Бу Туроншоҳ ва унга ўхшаган бошқа биронтасини оқлови эмас, ўлдирилган ким бўлишидан гарчи ёмон хулқли, хоин, золим кимса бўлгани тақдирда ҳам, исломдаги уқубат-жазонинг биз эмас, бутун оламлар Раббиси белгилаб қўйган муайян чегараси ва ўзига хос ўлчови бор.

Мамлуқларнинг ёки улардан бошқаларнинг васваса ва гумонлари ҳаргиз қатл қилишга кифоя қилувчи шаръий далил бўлолмайди. У фақатгина уни ажратиб қўйиш ёки ундан юз ўгириш ёки ҳибс қилиш ва шу каби жазоларга асос бўлиши мумкин халос.

Хуллас, Шажаратуд-Дур Фарисуддин Ўқтой, Рукнуддин Бейбарс ва бошқа Солиҳий Баҳрий мамлуқлар билан Туроншоҳни ўлдиришга иттифок қилди. 648 ҳ.с. 27 муҳаррам куни⁴¹ (28 муҳаррам душанба куни)⁴² / 1250 м.с. 9 май куни ҳукм ижро қилинди. Бу ходиса Туроншоҳ Ҳасанкейфдан Мисрга келганидан 70 кундан сўнг юз берди. У шунча масофани ҳокимиятни қўлга киритиш учун эмас, жонини қўлдан

⁴¹ Сиржоний "Қиссатут-татар" (225 - бет).

⁴² Саллабий "ал-Мўғул" (284 - бет).

чиқариш учун келган эди. Туроншоҳ ибн Нажмуддин Айюбнинг ўлими Мисрдаги Айюбийлар султонлигининг ниҳояси бўлди.

Валлоҳу таъала аълам....

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.